

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 432-ҳадис

1. Яна у кишидан ривоят килинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Робби азза ва жалланинг шундай деганини айтдилар: «**Бир бандада гуноҳ қилиб, «Аллоҳим, гуноҳимни кечиргин!**» деса, У Зот табарока ва таоло: «**Бандам бир гуноҳ қилди, уни кечирадиган ёки гуноҳи туфайли** (азобга) тутадиган Робби борлигини билди» деди. Сўнг у яна гуноҳ қилиб, «**Эй Роббим, гуноҳимни мағфират қилгин!**» деди. У Зот табарока ва таоло: «**Бандам бир гуноҳ қилди ва уни кечирадиган ёки гуноҳи туфайли** (азобга) тутадиган Робби борлигини билди» деди. Сўнг у яна гуноҳ қилиб, «**Эй Роббим, гуноҳимни мағфират қилгин!**» деди. У Зот табарока ва таоло: «**Бандам бир гуноҳ қилди ва уни кечирадиган ёки гуноҳи туфайли** (азобга) тутадиган Робби борлигини билди. Ҳақиқатда бандамнинг гуноҳини кечирдим. У хоҳлаганини килаверсин» деди».

Мұттафақүн алаіх.



NUBUVVAT MARVARIDLARI